

---

## ЖАРАЁН

Олтиариқ тумани Катпут массивида аҳоли учун янги қуриб битказилган

ҳар бири 30 хонадонлик жами 90 та хонадонга мўлжалланган кўпқаватли тураржой бинолари фойдаланишга топшириш учун тайёрланмоқда. Бугун “Фарғонасувтаъминот” МЧЖ Олтиариқ бўлими томонидан ичимлик суви иншоотида таъмирлаш ишлари якунланиб, ушбу хонадонлар тоза ичимлик суви тармоғига уланди. Айни ҳудудда жойлашган “Саноат зонаси”да барпо этилаётган тадбиркорлик объектлари ҳам ичимлик суви тармоғидан таъминланади.

Мазкур объектлардаги оқава сув тармоғи ва иншооти ҳам ишга туширилиб, фойдаланиш учун шай ҳолатга келтирилди.

2022-08-16 19:39:31